

АКМАЛХОНОВ Акмалхон Аҳмад ўғли
Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти кафедраси
ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
akmalxonovibnahmad@mail.com

“МИФТАХУ-Л-УЛУМ” АСАРИДАГИ “ХАТОДАН САҚЛАНИШ ТУРЛАРИ” БЎЛИМИ БАЁНИ

ОПИСАНИЕ РАЗДЕЛА «ТИПЫ ПРЕДОТВРЩЕНИЯ ОШИБОК» В РАБОТЕ «МИФТАХУ-Л-УЛУМ»

DESCRIPTION OF THE SECTION “TYPES OF ERROR AVOIDANCE” IN THE WORK “MIFTAHU-L- ULUM”

Аннотация: “Мифтаху-л-улум” асари олдингиларда ҳам кейинги даврларда ҳам такрорланмас асар эканлигини бошқа манбаларда учрамайдиган мавзуларни келтириш ва уларни мантикий изчиллик усулида баён қилиниши ҳисобланади. Ана шундай мавзулардан бири “Хатодан сақланиш турлари” ҳисобланади. Саккокий алоҳида фасл остида бирлаштирган мазкур мавзулар қолган олимларнинг асарларида ҳам келади. Лекин, Саккокийнинг усулидек ёритилмаган. Бу усул ёндашувнинг мукамал эканлигини кўрсатиб келмоқда.

Калит сўзлар: Абу Яъқуб Саккокий, “Мифтаху-л-улум”, фонетика, имло, сон категорияси, феъл билан боғланувчи олмош, тўғри кўплик, синиқ кўплик.

Аннотация: Тот факт, что труд «Мифтаху-ль-улум» является незаменимым как в его предшественниках, так и в более поздние времена, заключается в цитировании тем, которых нет в других источниках, и изложении их методом логической последовательности. Одной из таких тем является «типы предотвращения ошибок». Эти темы, которые Саккоки объединил в отдельную главу, появляются и в работах других ученых. Однако они не были освещены как у Саккоки. Этот метод показывает идеальность подхода.

Ключевые слова: Абу Якуб Саккокий, «Мифтаху-ль-улум», фонетика, правописание, категория числа, местоимение, связывающее

глаголы, прямое множественное число, ломаное множественное число.

Ключевые слова: Абу Якуб Саккаки, «Мифтаху-л-улум», фонетика, правописание, числовая категория, местоимения связанные с глаголами, правильное множественное число, ломаное множественное число.

Abstract: “Miftahu-l-ulum” is a work that is considered not to be repeated in the previous and later periods as it presents topics not found in other sources and explains them with the method of logical sequence. One such topic is “Types of Mistake Avoidance” which constitutes the third chapter. These themes, which Saccochi summarized in a separate chapter, appear in the work of other scholars too. However, they were not lit like in Sakkaki’s work. This method shows that the approach was ideal.

Key words: Abu Yaqub Sakkaki, “Miftahu-l-ulum”, phonetics, spelling, number category, pronouns associated with verbs, regular plural, broken plural.

КИРИШ

XIII асрда араб тилшунослиги бўйича буюк из қолдирган Сирожиддин Абу Яъқуб Юсуф Саккокий ва унинг “Мифтаху-л-улум” асари ҳақида манбаларда маълумотлар оздир. Саккокий ва унинг ёзган асарлари ҳақида Зайнуддин Қосим Қутлубғо [2: 317], Жалолиддин Абдурахмон Суютий [3: 115], Абдулҳай ибн Аҳмад [4: 208], Муҳйиддин Абдулқодир [8: 622], Абдулҳай Лакнавий [7: 232], Умар Ридо Қухала [6: 149], Ёқут Ҳамавий Румий [9: 518 (1034- рақам)], Шавқи Дайф [5: 542-543] каби олимлар маълумотлар келтирган.

“Мифтаху-л-улум” асари олдингиларда ҳам кейинги даврларда ҳам такрорланмас асар эканлигини яна бир исботи бошқа манбаларда учрамайдиган мавзуларни келтириш ва уларни мантикий изчиллик усулида баён қилиниши ҳисобланади. Ана шундай мавзулардан бири учинчи фаслни ташкил қилувчи “Хатодан сақланиш турлари” (أنواع الاحتراز عن الخطأ) ҳисобланади [1: 20b].

АСОСИЙ ҚИСМ

Саккокий бу мавзугача бўлган ўринларда сўз ҳосил қилиш қоидалари билан бир қаторда, исм, феъл туркумларидаги сўзларнинг шакллари борасида ҳам баҳс қилади. Исм, феълга хос шакллари алоҳида баён қилган. Бу шакллари

орасида фақат товуш ўзгариши билан фарк қиладиган қолиплар билан бирга зиёда ҳарфлар бириккан қолипларни ҳам келтирган. Айнан шу шаклларни эътиборга олгани ҳолда, бошқа тилшунослар асарларида кузатилмайдиган мазкур фаслни киритган.

Саккокий бу мавзу доирасида фонетика, имло, сон категорияси, феъл билан боғланувчи олмошларга оид қоидаларни баён қилган. Бундай мавзуларни мазкур фаслда келтириши улар морфонологик томондан аҳамиятли ҳисобланишидир. Ушбу фаслнинг мақсади ҳақида: “Бу бўлим мақсад билан боғланган кифоя қилувчи илмнинг баёни бўлиб, у [мақсад] хатодан сақланишдир,” дея Саккокий фикрини давом эттириб, фасл ҳақида: “Биз бу фаслда 13 тур ҳақида гаплашамиз,” деб ёзган [1: 20b].

Саккокий мантикий изчилликка асосланган усулининг нечоғлик фойдали эканлигини бу фасл камраб олган қуйидаги мавзулардан билиб олсак бўлади. Улар Саккокий айтганидек, ўн учта бўлиб, “тур” сўзи (نوع) билан номланган. Фаслни ташкил қилувчи турлар:

Имола – (الإمالة). Саккокий: “Фатҳа [a] нинг касра [и] га ёки чўзик фатҳа [ā] нинг чўзик касра [ī] га талаффуз жараёнида мойиллашуви ҳисобланади,” деб ёзган [мифтах]. Имола тажвид илмига оид бўлсада, Саккокий бу борада ўзининг чуқур илмий қарашлари баён қилган. Имола ҳосил бўладиган тўртта ўринни баён қилиб, шундай ёзган [1: 21a]:

1. Фатҳа [a] “uā” га унли бўлганида [“uā” дан кейин фатҳа келса], мисол учун: سِيَال – (суёк). [“uā” ундошидан кейин фатҳа келган ҳолат].

2. Фатҳа [a] “uā” дан олдин келиб, “uā” сукунли бўлса: شِيَان (совуқ, булутли кун). [фатҳадан кейин унлиси бўлмаган (сукунли) “uā” келган ҳолат].

3. Фатҳа [a] касрага [и] яқин бўлса [ўртасида бошқа унли бўлмаса], масалан: عِمَاد – (устун); –شِمَال (чаққон).

4. “Alif” ҳарфи “uā” га ёки аксинча ҳолда алмашган бўлган ҳолат. [Бу феълларнинг иккинчи ва учунчи ўзак ундоши “vāv” ёки “uā” ҳарфидан иборат бўлганида кузатилади]. Мисол учун: نَاب – (ирғитмок) ёки касрали “vāv” “alif” га алмашган ҳолат. Масалан: خَوْف – (қўрқмок).

Саккокий бу ҳолат иккита эканлигини таъкидлаб, иккинчи ҳолат ҳақида “ёки alif” ҳарфи “uā” га (ي)→(ا) алмашади, мисол учун: دَعَا

–(чақирмок) [феълнинг мажхул нисбат шаклида шу ҳолатни кузатиш мумкин]. Мазкур феълнинг мажхул нисбат шакли دَعِيَ –(чақирилмок) бўлади,” деб ёзган [1: 21a].

Саккокий бу ҳақда фикрини давом эттириб, ушбу ҳолат охириги ҳарф “alif maqsura” (ى) ҳарфи билан тугаган от туркумидаги сўзларда ҳам кузатилиши ҳақида: “ёки مَلْهًى – (ўйинчок) сўзига иккилилик қўшимчаси қўшилганида مَلْهِيَان – (иккита ўйинчок) бўлади,” деб ёзган [1: 21a]. [Бу ҳолатда “alif maqsura” “uā” ҳарфига ўзгарганлигини кўриш мумкин (ي→ى)].

Бумавзун ифтида қолган олимлардан кўра Саккокий қатъий қарашларга асосланганлиги ва мисоллар билан изоҳланганлиги билан ажралиб туради. Саккокий мавзун хулосалаган ўлароқ: “Имола бўлиши учун битта шарт бор бўлиб, у: сўз маъно англатувчи бўлсин, яъни феъл ёки исм туркумида бўлиши керак. بلى، لا، يا، سўзлари ҳарф бўлса ҳам, буларда имола бўлади,” деб ёзган [1: 21a].

Йўғон талаффуз қилиш – (التخيم). Бу араб тилида имлода ва талаффузга тегишли кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Бу ўринда асосий эътибор бериладиган ҳолат ўзакни ташкил қилувчи ҳарфлардир. Саккокий йўғон талаффуз қилиш нима эканлиги ҳақида: “Тафхим фатҳа [a] дамма [u] га яқин қилиб талаффуз қилишдир,” деб, натижаси ҳақида: “Фатҳа ва дамма ўртасидаги товуш ҳосил бўлади,” деб ёзган [мифтах]. Сўзнинг асоси борасида Саккокий: “Агар фатҳадан кейин асли “vāv” га алмашган “alif” келса, “alif” аслига мойил талаффуз қилинади, [яъни фатҳа [a] деб] мисол учун: صَلَاة → صَلَوة (намоз); زَكَاة → زَكَاة – (закот)” [1: 21a].

Охириги ўринда Саккокий имло ва талаффузда муҳим ҳисобланувчи ўринни баён қилди. Бу икки сўзнинг учинчи асл ўзак ундоши “vāv” ҳарфи бўлиб, икки кўринишда ҳам бир маънони ифода этади. Талаффузда “vāv” чўзик фатҳа [ā] каби талаффуз қилинади.

“Hamza” ҳарфини егиллаштириш (تخفيف الهمزة). Бунга Саккокий ушбу ҳарфдаги содир бўладиган алмашиш, тушириб қолдириш, сақлаб қолиш ҳодисалари ҳақида баҳс қилган [1: 21a].

Қискартиш (التخيم). Бу тур сўзларнинг охирида бўлган бир ҳарфни тушириб қолдирилиши ҳақида бўлиб, Саккокий бу ҳақда: “Бундаги аслик: аслга хилоф бўлмаган ҳолда исмнинг охириги тушириб қолдиришдир. Бу фақат битта ҳарфдан бошқасини тушириб

қолдирмасликни тақозо қилади. Ўша битта тушириб қолдириладиган ҳарф ўртада жойлашмаган бўлиши керак,” деб ёзган [MU, 21b]. Демак, бу ҳодиса исм туркумига оид бўлиб, сўзнинг охирида кузатилади. Ҳамма сўзларда ҳам қисқартириш мумкин эмаслиги ҳақида: “Масалан: صحراء – (саҳро), سكران – (маст), طائفى – (тоифлик), مسلمان – (иккита мусулмон), مسلمون – (мусулмонлар), عامر – (Амир), طلحة – (Талҳа) каби сўзларда ҳарфларни қисқартириб бўлмайди,” деб айтган Саккокий. Сабабини у: “Чунки, охиридаги иккита зиёда ҳарф биргаликда сўзга бириккан,” деб изоҳлаган [1: 21b].

Синиқ кўплик (جمع التكسير). Араб тилидаги мураккаб ҳодисалардан бири бўлган кўпликнинг бу тури қолипларининг кўплиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ясаиши бирор қоида бўйича бўлмаслиги мураккаб томони ҳисобланади. Шуларни эътиборга олган ҳолда Саккокий бешинчи турда мазкур мавзуни ёритган.

Саккокий бу турни анчайин батафсил баён қилиб: “Исмнинг синиқ кўпликда эканлигини уч тушунча белгилайди:

1. Кўриниш (шакл) ва маъно жиҳатдан кўплик.
2. Бирлик шаклидан бошқа шаклга ўтиши ва бундаги ўзгариш.
3. Музаккар бирликдаги сифатни ман қилиш билан лафз ва маъно жиҳатдан мустаҳкамланиш, бу билан жамловчи от фарқланади,” деб ёзган [1: 22a].

Тўғри кўпликдан синиқ кўпликни фарқловчи хусусиятлар кўп ҳолларда қўшимча орқали намоён бўлади. Тўғри кўплик жинсда фарқланувчи тўртта шаклдаги икки қўшимча (ون، ات) орқали ҳосил қилинади. Саккокий сўз синиқ кўпликда эканлигини билдирувчи юқоридаги тушунчаларни келтирди. Учта тушунча сўзнинг шакл ва маъно уйғунлигидаги хусусиятини қамраб олиб, бирликдан шакл ва маъно жиҳатидан ажралиб туришини билдиради.

Саккокий мавзу доирасида жамловчи отлар, синиқ кўплик ҳосил қилувчи қолиплар, кўпликдан кўплик ҳосил қилиниши ҳақида ўз қарашларини баён қилади. Мавзу давомида бошқа манбаларда кам кузатиладиган сўз шакли бўйича синиқ кўплик ҳосил қилувчи қолипларни турларга бўлиб, хусусиятларини баён қилган [қаранг: 1: 22a].

Кичрайтириш (التحقير). Бу турда Саккокий сўзлардан уларнинг кичрайтма отларини яшаш

ҳақида баҳс қилган. Олим бу мавзу доирасида кичрайтма от ясовчи қолип билан сўз шакллари ўртасида морфологик ҳодисаларни баён қилган. Жумладан, сўзда товуш орттирилиши ва товуш ўзгариши (عصفور – (қуш), “қушча” – عصيفير), товуш тушиши (فرزدقة – (хамир), “хамирча” – فريزق), сўз шаклини сақлаб қолган ҳолда қўшимча қўшиш орқали кичрайтма от ҳосил қилиш (أب – (ота), “отача” – أبى) ҳодисаларини ёритган [қаранг: 1: 23b-24b].

Иккилик сон категорияси (الثنية). Бу турда Саккокий ҳаммага маълум бўлган маълумотларни келтиришдан чекиниб, кўп манбаларда учратиш қийин бўлган маълумотларни келтириб, улар асосида мавзуни баён қилган. Саккокий муннас шаклдаги сўзлардан иккилик шу сўзнинг охирига تان қўшимчаси қўшиш орқали ясаиши керак бўлган ўринда, мазкур қўшимча билан ясалмайдиган икки муаннас жинсидаги сўзни келтиради. Бу эса, қолган манбаларда кам кузатилади. Жумладан, шундай деб ёзган: “ألية – (думба), خصية – (тухум (анатомия) ушбу муаннас жинсдаги сўзларда التأنيث – (муаннасликни ифодаловчи “tā”) тушириб, иккилик ҳосил қилинади, яъни أليان ва خصيان бўлади” [1: 25a].

Музаккар ва муннас тўғри кўплик (جمعاً). Бу мавзуда кўпчилик олимлар эътиборидан четда қолувчи сўзларнинг кўпликлари баён қилинган. Саккокий улардаги ҳосликларга доир қарашларини келтирган. Жумладан, “икки сукун келиб қолганда, “alif” тушириб қолдирилади: قاضين – قاضون (қозилар). Бу мисолда “uā” ҳарфи тушиб қолган, аслида قاضيين – قاضيون. Талаффуздаги қийинчилик учун “uā” ҳарфи тушириб қолдирилган. Биринчи шаклда иллатли ҳарф дамма [u] ва касра [i] билан قاضيون ҳаракатланди. Иккинчи шаклда иккиликдаги қоидага кўра, икки касра [i] бирин-кетин келди (قاضيين) ва бундаги иккита касра “dā” (ض) ва “uā” (ي) ҳарфларидан кейин келмоқда,” деб ёзган Саккокий [1: 25a].

Нисбий сифат (النسبة). Бу турда Саккокий ҳаммага маълум бўлган нисбий сифат ясовчи қўшимча ҳақида қисқача тўхталиб, бу қўшимча билан боғлиқ кам учрайдиган морфологик ўзгаришларни баён қилган. Саккокий нисбий сифат сифат қўшимча билан ясаиши билан бир қаторда, муайян қолипларда ҳам ҳосил қилинишини айтган [1: 25b-27a].

“Маълум қолипларда ҳам нисбий сифат ҳосил бўлади. Бундай йўл билан ясалган нисбий сифат тугалланган, доимий давом этувчи бўлади. (кийим – ثواب) – (фил суягини сотувчи); (عاج عواج

тегишли бўлган киши); بتات – (уй анжоблари тегишли киши). Бу сўлар فعال қолипида ясалган бўлса, لاين – (бирор нарса билан урувчи); قامر – (хурмоси бор киши); دارع – (зирҳи бор киши) каби сўзлар فاعل вазнида ҳосил бўлган, деб ёзган эди Саккокий [1: 25b].

Саккокий айтган мазкур қолипларнинг маъно хусусиятлари кўпчилик манбаларда учрамайди. Муайян қолиплар асосида ясалган нисбий сифатлар ёки тегишлиликни ифодаловчи сўзлар алоқаси бор бўлган нарса ўзгидан келиб чиққан. Мисол учун: دارع – (зирҳи бор киши) درع – (зирх) сўзидан келиб чиққан.

Муайян сўзнинг ўзига изофа қилиниши (إضافة الشيء إلى نفسه). Бу турда Саккокий I шахс бирикма олмоши ҳақида тўхталиб, у қўшилган сўзлардаги товуш тушиши, орттирилиши ҳақида баҳс қилади. Иккилик ва музаккар тўғри кўплик шакллари билан бириккандagi қоидаларни батафсил баён қилган [1: 27a].

Феълдан ясалган сўзларнинг ҳосил бўлиши ҳақида (في اشتقاق ما يشتق من الأفعال). Бу тур доирасида Саккокий феълнинг буйруқ майлига тўхталган. Буйруқ майли ўтган замон феъл шаклидан келиб чиқиши, ундаги ҳарфлар тушиб қолган бўлса, буйруқ шаклида қайтиб келтирилиши ҳақида баҳс қилади. Иккиланган феъллар ҳақида: “Бу ўтган замонда ташдидланган феълдан буйруқ ҳосил қилинганда, ташдид ёйиб юборилади. Кейин бобдаги ҳолат нимани тақозо қилса, шуни бажариб, буйруқ шакли ҳосил қилинади,” деб ёзган Саккокий [1: 27a].

Феълга олмош ва таъкидни ифодаловчи икки “nūn” ларни қўшилиши (تصريف الأفعال مع) (الضمائر ونوني التأكيد). Бу турда Саккокий аввалги феъл мавзусини давом эттирган ҳолда, феълга олмош ва таъкидни ифодаловчи икки “nūn” ларни қўшилишида содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида батафсил баҳс қилган. Олмошларнинг ҳар бир шаклига алоҳида тўхталади. Таъкидни ифодаловчи икки “nūn” лар ҳозирги замон шакли билан бир қаторда, феълнинг буйруқ шаклига ҳам қўшилишини таъкидлаган [қаранг: 1: 27a-29b].

Гап охирида тўхташни амалга ошириш ҳақида (في إجراء الوقف على الكلم) [қаранг: MU, 29b-30b]. Бу тур тажвид илмига таъаллуқли бўлиб, анчайин мураккаб фонетик ходиса ҳисобланади. Саккокий бу соҳада ҳам чуқур илмга эга эканлигини мавзунини батафсил ёритганидан билиб олиш мумкин. Саккокий бу мавзуда тўхташ турларидан ҳисобланувчи “равм” (унли товушини паст айтиш), “ишмом”

(лабни чўзиб, дамма талаффуз қилинмаслиги), ишмом қилмай суқун билан тўхташ турларига оятларни мисол келтирган ҳолда баён қилган. Жумаладан, Саккокий: “والليل إذا يسري” (Ва юрилган тун билан қасам. Фажр сураси, 4-оят) оятидаги охирги сўздаги “uā” ҳарфи суқун билан тўхташ сабабли тушириб қолдирилади,” деб ёзган [1: 30b].

ХУЛОСА

Саккокий алоҳида фасл остида бирлаштирган юқоридаги мавзулар қолган олимларнинг асарларида ҳам келади. Лекин, Саккокийнинг усулидек эмас. Бу усул ёндашувнинг мукамал эканлигини кўрсатиб келмоқда. Қолган асарларда юқоридаги мавзулар асар муаллифларининг ёндашувлари асосида турли ўринларда келтирилади. Саккокий эътибордан четда қолган, билиб олиш керак бўлган мавзуларни бирлаштириб бериши мантикий изчил усулга эга эканлигини кўрсатади. Бу бошқа олимлардан Саккокийнинг ажралиб турадиган жиҳати, ютуқли томони ҳисобланади.

Фойданилган манба ва адабиётлар:

1. Имом Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаҳу-л-улум. – Анқара: Ankara Milli Kütüphanesi. Қўлёзма 26 Нк 192 рақам. – 244 в.
1. أبو الفداء زين الدين قاسم بن قطلوبغا السدوني. تاج التراجم. – دمشق. دار القلم. 2991. صفحة 865.
2. الحافظ جلال الدين عبد الرحمان السيوطي. بتحقيق محمد أبي الفضل إبراهيم. بغية الوعاة في طبقات اللغويين و النحاة. مطبعة عيسى البابي. 5691م. صفحة 706.
3. شهاب الدين أبو الفلاح عبد الحي بن أحمد الحنبلي الدمشقي. شذرات الذهب في أخبار من ذهب. – دمشق، دار ابن كثير. 1991م. الجزء التاسع. صفحة 938.
4. شوقي ضيف. تاريخ الأدب العربي. – القاهرة. دار المعارف. 0891. الجزء الخامس. صفحة 486.
5. عمر رضا كحالة. معجم المؤلفين. – بيروت، مؤسسة الرسالة. 3991. الجزء الرابع، صفحة 185.
6. محمد عبد الحي اللكنوي. الفوائد البهيمية في تراجم الحنفية. – القاهرة، دار الكتاب الإسلامي. صفحة 362.
7. محي الدين أبو محمد عبد القادر القرشي الحنفي. الجواهر المضوية في طبقات الحنفية. – جيزة، هجر. 3991. الجزء الثالث. صفحة 677.
8. ياقوت الحموي الرومي. معجم الأدباء إرشاد الأريب إلى معرفة الأديب. – بيروت. دار الغرب الإسلامي. 3991. الجزء الأول. صفحة 1453.